

## **ЎЗБЕКЧА ЎТОВ ЛЕКСЕМАСИНИНГ НЕМИС ВА РУС ТИЛЛАРИДА ТАЛҚИНИ**

**Тоҳир Эгамшукурович АЛИМОВ**

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

## **ТОЛКОВАНИЕ УЗБЕКСКОЙ ЛЕКСЕМЫ ЎТОВ НА НЕМЕЦКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ**

**Тоҳир Эгамшукурович АЛИМОВ**

Преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

## **THE INTERPRETATION OF THE UZBEK LEXEME ЎТОВ IN THE GERMAN AND RUSSIAN LANGUAGES**

**Tohir Egamshukurovich ALIMOV**

Teacher

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan [tohir@gmx.net](mailto:tohir@gmx.net)

UDC (УЎК, УДК): 811.112.2

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**

Алимов Т.Э. Ўзбекча ўтов лексемасининг немис ва рус тилларида талқини // Ўзбекистонда хорижий тиллар.— 2021. — № 2(37). — С.71-79.

<https://doi.org/10.36078/1632805483>

**Received:** February 15, 2021

**Accepted:** April 17, 2021

**Published:** April 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Open Access**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбекча ўтов сўзи ва унга оид лексемаларнинг немис ва рус тилларига таржима қилишни ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинди. Мисоллар асосида ушбу лексемаларнинг немис ва рус тилларига эквивалентлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, уларни изоҳлар орқали талқин этиш ҳақида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга бўлган эътиборнинг кучайиши сабабли ушбу терминларни сайёҳларга тушунтириш ишларига янада жиддий эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида тушунча берилди. Фактик материаллар асосида ўзбек маданиятига тегишли бўлган лексик бирликларнинг бошқа тилларга, жумладан, немис ва рус, тўғри ўгириш учун, авваламбор ўзбек халқининг урф-одатларини, удумларини ҳамда маиший буюмлар номларини яхши билиш муҳимлиги эътироф этилди. Ўтов сўзи ва унга оид лексемаларнинг эквивалентлари немис ва рус тилларда мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни изоҳ йўли билан таржима қилиш муҳимлиги кўрсатиб берилди. Ўтов лексемаси билан боғлиқ лексик-семантик гуруҳларнинг немис ва рус тиллари таржималарида тўғри талқин қилинганлигини таҳлил қилиш ва уларга ўзгартириш киритиш масаласи тилшунослар олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги қайд этилди. **Калит сўзлар:** ўтов; сўз; лексема; термин; таржима; ўзбек тили; немис тили; рус тили; талқин қилиш.

**Аннотация.** В статье исследуются своеобразные особенности перевода узбекского слова ўтов и относящихся к нему лексем на немецкий и русский языки. На основе примеров разработаны соответствующие рекомендации об интерпретации этих лексем

путем толкования в связи с отсутствием их эквивалентов в немецком и русском языках. Дано понятие о необходимости разъяснения этих терминов туристам в связи с развитием туризма в Узбекистане. На фактическом материале отмечено, что для правильного перевода лексических единиц на другие языки, в частности немецкий и русский, в первую очередь хорошо надо знать обычаи, традиции, бытовую лексику узбекского народа. Показано, в случае отсутствия эквивалентов слова *ўтов* и относящихся к нему лексем в немецком и русском языках, важность их перевода путем толкования. Указано, что вопросы анализа правильной трактовки в немецком и русском переводах лексико-семантических групп, связанных с лексемой *ўтов*, внесение в них изменения, являются одной из интересных проблем.

**Ключевые слова:** юрта; слово; лексема; термин; перевод; узбекский язык; немецкий язык; русский язык; толкование.

**Abstract.** This article examines the peculiar features of translating the Uzbek word *ўтов*, as well as other related lexemes into German and Russian languages. Based on the examples, appropriate recommendations have been developed on the interpretation of these lexemes, taking into account the absence of their equivalents in the German and Russian languages. The study highlights the need to clarify these terms in the context of tourism in Uzbekistan, as an integral part of a developing country. Based on the factual material, it is noted that the knowledge of the customs, traditions, everyday vocabulary of the Uzbek people for an adequate translation of lexical units into other languages, in particular German and Russian, is of high importance. The importance of translating by interpretation is highlighted, when there is no equivalents of the word *ўтов* and related lexemes in the German and Russian languages. The analysis of an appropriate interpretation of lexical-semantic groups associated with the lexeme *ўтов* in German and Russian is one of the topical issues of modern linguistics.

**Keywords:** yurt; word; lexeme; term; translation; Uzbek language; German; Russian language interpretation.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек тилининг ноқардош тиллар, жумладан, немис ва рус тиллари билан алоқаларини фаоллашиб бориши, уларнинг лексик қатламини катта қисмини келиб чиқиш тарихи, шаклланиши ва ривожланиши масалаларини тадқиқ қилишга даъват этмоқда. Жумладан, бу тилларда мавжуд бўлган маиший лексик бирликлар эътиборни ўзига жалб қилади. Чунки улар ўзбек, немис ва рус халқларининг моддий ва маънавий маданиятини ноёб элементлари ҳақидаги тасаввурга эга бўлишга замин яратади. Шу сабабли *ўтов* лексемасининг немис ва рус тилларида талқин қилиниши қиёсий-чоғиштира тилшунослик фанининг муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, ўзбек тилидаги *ўтов* сўзи ва унинг асосида ҳосил бўлган лексик бирликларни тадқиқига бағишланган қатор илмий ишлар мавжуд. Жумладан, уларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари Қ. Сапаев, Э. А. Умаров, А. О. Омонтурдиев, М. Б. Абдиев, Х. Х. Бердиев (19; 22; 15; 1; 4) каби тадқиқотчилар ишларида таҳлил этилган. Аммо ушбу ўзбек луғат қатламининг ўзга тилларга таржима қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Ўтов — азалдан Марказий Осиё, шунингдек, Жанубий Сибирда енгил хом ашё, асосан, ёғоч — эгилувчан толдан ва кигизлардан конуссимон шаклда ясаиб, кўчманчи халқлар маданиятида кенг қўлланиладиган кўчма уй, уларнинг тураржой бўлиб ҳисобланган (27, 183). Туркий халқларнинг бошпанаси ҳисобланган ўтовни исталган вақтда тикиш, бузиш ва йиғиш мумкин бўлган.

Ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида кўп йиллардан бери қўлланиб келинаётган *ўтов* сўзи “тоғ бағрида, яйловларда гумбаз шаклида тикланадиган кўчма турар жой” ва у билан боғлиқ *керага*, *увуқ*, *чангароқ*, *чий*, *кигиз*, *эрганак*, *туйнук* каби лексемалар, Х. Х. Бердиевнинг таъкидлашича, “Олтой ҳудудларида II асрнинг бошларида юзага келган” (4, 10). Ушбу лексик бирликлар асосан ўзбек халқи ва унга қардош бўлган халқлар маданиятида турли шаклларда, аммо бир хил маънода уларнинг тилларида ишлатилган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга ва уни салоҳиятини оширишга бўлган эътиборнинг кучайиши ушбу терминларни сайёҳларга тушунтириш ишларига янада жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Бу каби ишларни амалга оширишда юқорида қайд этилган лексемаларнинг мазмунан таржимада қўлланилишини тўғри талкин этилиши тилшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли қуйида эътиборимизни ўтов билан боғлиқ баъзи бир лексик бирликларнинг немис ва рус тилларига таржима қилиш тадқиқига қаратамиз.

III. Раҳматуллаевнинг фикрича, *ўтов* сўзи “қадимги туркий тилдаги ‘олов ёқ-’ маъносини англатган **ота**- феълидан ... -ғ қўшимчаси билан ясалган, ... кейинчалик бу сўз охиридаги **ғ** ундоши **в** ундошига алмашган ...; ўзбек тилида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ота**- + **ғ** = **отағ** > **отақ** (18, 494).

Ушбу сўз турли шаклда кўпгина туркий тилларда учрайди — қиёсланг: “қорахоний-уйғурча *otay*, чигатойча *otaq*, туркча. *otak*, озарбайжонча *otaq*, туркманча *otay*, кумуқча. *otaw*, қарақолпоқча *otaw*, қозоқча *otaw*, қирғизча *oto*, олтойча *odu*, ўзбекча *o‘tov*, уйғурча *otaq*, ёқутча *otay* ‘вақтинчалик турар жой’” (2, 168) (муаллиф таржимаси).

Ўзбек тилининг бадий матнларида *ўтов* лексемасини тез-тез учратиш мумкин. Жумладан, у Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асарида қўлланилган: *Оқбурасой бўйларида ҳам, Чилмаҳрам тоғининг этакларидаги кўкаламзорларда ҳам юзлаб чодирлар ва ўтовлар пайдо бўлди* (16, 40).

Ўтовнинг бошқа халқлар, жумладан, рус тилида кенг тарқалган яна бир номи — *юрта* “у некоторых кочевых народов Азии и Южной Сибири: переносное, конусообразное формы жилище, крытое кошмами, звериными шкурами” (14, 912) маъносида қўлланилади. Унинг немис тилида эквиваленти мавжуд эмас. Шу сабабли баъзи туркий халқлар тилларида ўтов лексемасининг синоними сифатида кенг қўлланиладиган *юрта* сўзи *die Jurte* (28, 593) бўлиб, немис тилига кириб борган ва манбаларда унинг маъноси “*Lagerplatz, Land, Wohnort, Heimat*” (29), деб изоҳланган.

Бу тушунарли ҳолат, албатта, чунки тиллар ҳамда маданий шарт-шароитлар орасидаги фарқлар, айниқса, лексика ва фразеологияда яққол кўзга ташланади. Ҳар доим ҳам бирор бир тилга ёки унинг шеvasига таалуқли бўлган сўзни бошқа тилга таржима қилиш имконияти бўлмайди. Бу эквивалентсиз лексика бўлиб, у фақатгина ушбу маҳаллий-маданий хусусиятга эга воқеа-ходисаларни англатади (қаранг: 8; 9; 24).

Ўтов билан боғлиқ лексемалар ўз тарихига эга. Шу сабабли уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ.

*Керага* — “ўтовнинг панжарага ўхшатиб ишланган ёғоч девори бўлиб, асосан тол дарахтидан ясалади”. У тўртта катта ва битта кичкина (*етим керага*) қисмлардан иборат бўлиб, ҳар бири қанот деб аталади (21, б. 177). Ушбу лексема нафақат ўзбек шеваларида, балки бадий асарлар матнида ҳам учрайди. Масалан, у Асқад Мухторнинг “Чинор” романида қўлланилган: *Шабада ўтовнинг керагаларини аста гичирлатади, саратон яйловнинг бошни айлантирадиган экинини олиб келади* (3, 12).

Ш. Раҳматуллевнинг фикрича, *керага* сўзи “қадимги туркий тилда ‘орасини оч-’ маъносини англаувчи **кир-** феълидан ... кучайтириш маъносини ифодаловчи **-ā** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **-кў** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **и** унлиси **е** унлисига, учичи бўғиндаги **к** ундоши **г** ундошига ..., ўзбек тилида **ў** унлиси **ā** унлисига алмашган: (**кир-+ ā = кирā**) > **кў** = **кирāкў** > **кирāгā**” (13, 204).

*Керага* сўзининг немис тилида эквиваленти бўлмаганлиги сабабли унга ўхшатиб ясалган нарса-буюмларга нисбатан куйидаги сўзлар ишлатилади: *Scherengitter* (22, 999), (*қайчисимон панжара*) ёки *Gitterwände/Gitterzaun* (28, 457) (*панжара девор*). Ушбу сўз рус маданий ҳаётига боғлиқ бўлмаганлиги боис рус тили луғатларида қайд этилмаган. Уни русийзабон ўқувчиларга “*решётчатые складные стенки*” кўринишда талкин қилиш мақсадга мувофиқ.

Е. М. Верешагин ва В. Г. Костамаровларнинг таъкидлашича, мазмунан миллий-маданий хусусиятга эга бўлган сўзларни фақатгина уларнинг семантик жиҳатидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин. Ушбу муаллифлар томонидан олиб борилган қардош ва ноқардош тилларнинг лексик қатламини қиёсий-чоғиштира тадқиқи шуни кўрсатадики, эквивалентсиз лексикани таржима қилиб бўлмайди, уни фақатгина изоҳ йўли талкин қилиш мумкин (7, 53).

*Чангароқ* — “ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги” (26, 457). Ўзбек тилининг миллий-маданий жанрлардаги асарларда *чангароқ* лексемасини ишлатилиши доим кузатилади. Масалан, ушбу лексема Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида қўлланилган: *Ўтов чангарогидан дастурхонга тафтли нур тушиди* (26, 457).

*Чангароқ* форс-тожик тилидан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб, *чанбар* “ҳалқа” (4, 488) + суффикс *ак* (қадимги форс *ака*) “кичик” = *чанбарак* ‘кичик ҳалқа’ деган маънони англатади.

*Чангароқни* немис тилида *der runde Dachkranz* (*томнинг айлана чамбараги*), *Krone* (*мож*), *Jurtenkreuz* (*юрта чамбараги*) ёки *Kohtenkreuz* (*уйнинг том қисмидаги тешик, икки ёғочнинг кесишган шакли*) сўз ва сўз бирикмалари орқали бериш мумкин. Аммо улар тўғридан-тўғри *чангароқ* сўзининг маъносини ифодаламайди, аксинча унга яқин ёки ўхшаш нарса-буюм тушунчасини беради. *Чангароқ* лексемаси рус тилидаги манбаларда куйидагича изоҳланади: “*Деревянный круг, скрепленный несколькими выгнутыми кверху поперечинами. Он служит в юрте отверстием для прохода дыма и света*” (6, 188–189).

*Увуқ* — асосан тол дарахтидан ясаладиган узун бир учи эгилган чўп тиргак вазифасини бажариб, ўтовнинг (қора уйнинг) керагалари билан туйнугини бирлаштириб туради (бу ҳақда қаранг: 13, 312). Ўтовнинг катта кичиклигига қараб увуқлар сони 52дан 74тагача бўлади

(21, 178). Мазкур лексеманинг немис тилида эквиваленти бўлмаганлиги сабабли, у *Sparren/Dachsparren* (узун ёғоч) ёки *gebogene Stangen oder Dachstangen* (эрилган/букилган узун ёғоч) кўринишда изоҳ йўли билан берилиши мумкин. Увуқ лексемасини рус тилида ҳам бир сўз билан таржима қилиш имконияти йўқлиги сабабли, у манбаларда қуйидагича талқин қилинади: “длинные жерди, которые в собранном состоянии образуют купол юрты” (30).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *увуқ* сўзи қайд этилмаган.

*Кигиз* — “юнгдан босиб тайёрланган қалин пишиқ палос; намат” (25, 364). Чорвадор кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар кигиздан турли хил уй-рўзгор жиҳозлари, жумладан, гилам, бош, устки ва оёқ кийимлар тайёрлаган. *Кигиз гилам* немис тилида *Filzteppic*, рус тилида эса *войлочный ковер* ёки *ковер из войлока* деб аталади. Одатда уни ерга тўшаб, устида ўтиришган ёки гул ва нақшлар солиб, деворга безак сифатида илиб қўйишган. Кигиздан аёллар ва эркакларга оёқ кийим: *кигиз этик*, *кигиз ботинка*, *кигиз шатак* каби буюмлар тайёрланган. Уларнинг немис тилида *Filzstiefel*, *Filzschuhe*, *Filzpantoffel* ва рус тилида *войлочная обувь*, *валенки* ёки *войлочные сапоги*, *войлочные туфли*, *войлочные тапочки* каби эквивалентлари мавжуд.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” *кигиз* лексемасини П. Турсуннинг “Ўқитувчи” романида қайд этган: *Ўчоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сариқ бужур одам кўк пиёлада чой хўлаб ўтирибди* (25, 364).

Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, “бу от қадимги туркий тилларда ‘копла-’ маъносини англатган **кид-** / **киз-** феълидан **-(и)з** кўшимчаси билан ясалган ...; кейинчалик **д**, **з** ундоши **й** ундошига алмашган: **кид-** / **киз-** + **из** = **кизиз** > **кийиз**; ҳозирги ўзбек адабий тилида **й** ундошини эмас, **г** ундошини ай – тиш ва ёзиш қоидалаштирилган: **кийиз** > **кигиз** (Шеваларда бу от **кийиз** тарзида ҳам талаффуз қилинади)” (18, 208).

*Чий* — “қамиш поясидан беш олти қарич узунликда қирқилган ҳамда эчки қилидан игирилган ип ‘шардоз’ билан қатор боғлаб тўқилган буюм” (21, 177). Ўзбек тилининг изоҳли луғати ушбу лексемани “қамишдан ёки савағич поясидан ип, сим билан қаторлаб боғлаб тўқилган қурилиш материали” маъносида Х. Назирнинг “Сўнмас чакмоқлар” асарида қайд қилган: “Чий тутилган кўчма ясида қарқуноқ болаларининг “қиғ-қиғ”лашига ўхшаб чақалоқлар йиғиси эшитилмоқда” (26, 482).

Ш. Раҳматуллаевнинг этимологик луғатида кўрсатилишича, *чий* “асли **чығ** тарзида талаффуз қилинган ...; кейинчалик **ғ** ундоши **й** ундошига алмашган, шундан кейин **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чығ** > **чий** > **чий**” (18, 434).

*Чий* сўзининг немис тилида эквиваленти мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ушбу лексема немис тилида *Schutzmatte aus Federgras* (қамишдан тайёрланган ҳимоя қатлами /қисми) таржима йўли билан изоҳланиб берилади. Ўзбек тили шеваларида *чий* сўзи *бўйра* кўринишида ҳам қўлланилади. Немис миллий маданиятида қамишдан тайёрланган уй-рўзгор буюми деярлик учрамайди, бўлган тақдирда ҳам, бошқа бир маданиятдан ўзлашган ҳисобланади. *Чий* лексемаси рус тилининг изоҳли луғатларида ҳам *чий* деб берилган ва у қуйидагича тушунтирилган: “Вид ковыля, растущий в Средней Азии, употребляются на плетеные изделия, а также как топливо и как сырье для бумажного и целлюлозного производства” (23).



*Эрганак* — “қора уйнинг икки тавақали/қанотли эшиги, яъни ёғоч эшик, асосан кипчоқ шеvasида кенг қўлланиладиган варианты” (21, 204). Ёғоч ёки ходадан ясалган ўтовнинг эрганак қисми ўйма нақшлар билан безатилиб, турли хил, кўпинча, қизил рангга бўялади.

Ҳозирги ўзбек тилида *эрганак* сўзи ўз семантик майдонини кенгайтириб, “томорқадаги экин майдонини ажратиб туриш учун доимий ёки вақтинчалик вазифа ўтайдиган баландрок тўсик” (10, 144), “қора уй, мол қўра, кўтонларнинг эшиги” (31), “дарича” маъноларида ишлатилмоқда. Масалан у ‘дарича’ маъноси билан ўзбек бадий асарларнинг бирини матнида ҳам қўлланилган: “Нафас шира ҳовли адоғидаги пастаккина эрганак даричани очиб, кўшнисини Бўрон чўпоннинг томорқасига ўтди ва боши узра ёйилиб турган мажнунтол новдаларини қўллари билан сурганча ариқ ёқалаб чўзилган энсиз уватдан юриб бораркан, хайрон бўлди” (17).

Эрганак лексемаси немис тилига *Tür (эшик)* деб таржима қилиниб, ярим эквивалент бўлиб ҳисобланади.

Рус тилида ёзилган манбаларда *эрганак* сўзи қуйидагича тушунтирилган: “*Эрганак — открытый проем при входе в юрту*” (32).

Немис ва рус тиллари бадий матнларида *эрганак* лексемаси учрамайди.

*Туйнук* — “ўтовнинг том қисмида доира шаклидаги тешик бўлиб, ўтовда ёруғлик тушишини ва ҳаво алмашиши, сандал, ўчоқларнинг тутунни чиқиб кетишини таъминлайди” (21, 178). Ушбу лексема миллий-маданий хусусиятга эга бўлиб, ўзбек бадий матнларида кенг учрайди: “*Мана, бир томондан дераза ўрнига туйнук очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беш чоғли хотин ўтирибди*. С. Зуннунова, Гулхан. *Хона мадрасалардаги хужрага ўхшаши кичик бўлиб, тепада икки туйнук бор эди*. Мирмухсин, Меъмор” (26, 184). *Туйнук* сўзи фразеологик бирикмалар таркибида “Ой туйнукка, арава эшакка келганда” маъносида ҳам учрайди. Масалан: “*Боши туйнукдан чиқиб кетгани йўқ*”, яъни ҳали ёш балоғат даври ўтгани эмас - , *Хом ўйлабсиз, ҳалитдан куёв нимаси, [Тошхоннинг] боши туйнукдан чиқиб кетгани йўқ*. А. Мираҳмедов (26, 184). *Туйнук* лексемасини немис тилида *ein Rauchloch (тутун учун тешик)* ёки *ein Loch im Dach (том қисмидаги тешик), Rauchlochabdeckung* деб таржима қилиш мумкин, бироқ у *туйнук* сўзининг маъносини тўлиқ англамайди. Шунинг учун ушбу лексемани немис тилида изоҳ орқали қуйидагича берилиши мақсадга мувофиқ: *die Jurte hat ganz oben in der Spitze ein Loch. Da kommt Licht rein. Da geht der Rauch raus (ўтовнинг энг тепа қисмида бир тешик бор. У ердан ёруғлик тушади. У ердан тутун чиқиб кетади)*. Рус манбаларида *туйнук* сўзи қуйидаги тарзда изоҳлаган: “*Туйнук (уйг. тунук, турк. туйнук) — световое отверстие в крыше, служащее одновременно и для выхода дыма*” (12, 729).

Юқорида зикр қилинган фикрларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўзбек маданиятига тегишли бўлган лексик бирикларнинг бошқа тилларга, жумладан, немис ва рус, тўғри ўгириш учун, авваламбор ўзбек халқининг урф-одатларини, удумларини ҳамда маиший буюмлар номларини яхши билиш муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. *Ўтов* сўзи ва унга оид лексемаларнинг эквивалентлари немис ва рус тилларида мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни изоҳ йўли билан таржима қилиш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдиев М.Б. Ўзбек тили ўтовсозлик атамалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. — № 6. — Б. 97–101.
2. Абина Р.П. Наименования жилищ и зональных мест традиционной юрты в хакасском языке // Филологические науки. Вопросы теории и практики. — Тамбов: Грамота, 2019. — Т. 12. — Вып. 10. — С. 166–171.
3. Аскад Мухтор. Чинор. — Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёти, 1969. — 120 б.
4. Бердиев Х.Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. — Самарканд, 2017. — 47 б.
5. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. — СПб.: Типография Императорской АН, 1869. — Т. I. — 810 с.
6. Валиханов Ч.Ч. *Собрание сочинений в пяти томах. 2-е изд. доп. и переработанное.* — Алма-Ата, Главная редакция Казахской советской энциклопедии, 1984. — Том I. — 432 с.
7. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. — М.: Русский язык, 1990. — 246 с.
8. Гатилова А.К. Безэквивалентная лексика как понятие и явление: на материале немецкого и русского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. — М., 1996. — 184 с.
9. Иванова Н.А. Сопоставительно-типологический анализ безэквивалентной лексики (на материале русского, немецкого и французского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — М., 2004. — 19 с.
10. Маматисмоилова Ҳ. Наманган кипчоқ шеваларининг лексик қатлами (маиший лексика мисолида) // “Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. — Andijon: Andijon davlat universiteti kichik bosmaxonasi, 2020. — В. 143–146.
11. Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. — Тошкент: Шарқ нашриёти, 2005. — 512 б.
12. Народы Средней Азии и Казахстана. — М.: Наука, 1963. — 711 с.
13. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. — Тошкент: “Мухаррир” нашриёти, 2011. — 467 б.
14. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. — М.: Русский язык, 1990. — 915 с.
15. Омонтурдиев А.О. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. — Т., 2009. — 252 б.
16. Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. — Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1990. — 304 б.
17. Раимқул Суяров. Ой тўлган кеча (хикоя) // <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/raimqul-suyarov/raimqul-suyarov-oy-tulgan-kecha-hikoya/>
18. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). — Тошкент: “Университет”, 2000. — 599 б.
19. Сапаев Қ. Строительная терминология узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1984. — 152 с.
20. Тоғай Мурод. Юлдузлар мангу ёнади. — Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёти, 1980. — 59 б.
21. Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё — этнография макон. — Термиз: Янги нашр, 2011. — 450 б.
22. Умаров Э. А. Алишер Навоий асарларида оқ уй атамаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. — № 1. — Б. 30–31.
23. Ушаков Д. Н. Толковый словарь русского языка // <https://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=85335>.
24. Хамидова Т.М. Безэквивалентная лексика и фразеология русского языка и способы их передачи в таджикском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — Душанбе, 2013. — 24 с.
25. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. — Ж. 2. — 672 б.
26. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. — Ж. 4. — 608 б.

27. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. — Ж. 5. — 592 б.
28. Karl-Dieter Bunting., Deutsches Wörterbuch, Chur. Schweiz, 1996. — 1472 s.
29. <http://www.jurte.info/ger.htm>
30. <https://www.syl.ru/article/369451/chto-takoe-yurta---istoriya-vozniknoveniya-osobennosti-stroitelstva-i-vidyi>
31. <http://nurobod.uz/oz/node/600>
32. <https://www.tourstouzbekistan.com/ru/blog/arxitektura/osobennosti-uzbekskix-yurt.html>

### References

1. Abdiev M. B. *Uzbek language and literature*, 2011, No. 6, pp. 97–101.
2. Asqad Mukhtor, *Chinor* (Chinor), Tashkent, Gafur Gulom Publishing House, 1969, 120 p.
3. Abina R.P. *Filologicheskie nauki. Voprosy teorii i praktiki*, vol. I, issue 10, Tambov, Diploma, 2019, pp. 166–171.
4. Berdiev X.X. *O'zbek tili o'tovsozlik leksikasi* (Vocabulary of the Uzbek Language), PhD Thesis Abstract, Samarkand, 2012, 47 p.
5. Budagov L.Z. *Sravnitel'nyy slovar' turetsko-tatarskikh narechiy* (Comparative Dictionary of Turkish-Tatar Dialects), St. Petersburg, 1869, Vol. I, 810 p.
6. Valikhanov CH. CH. *Sobraniye sochineniy v pyati tomakh* (Collected Works in Five Volumes), Alma-Ata, Glavnaya redaktsiya Kazakhskoy sovetsoy entsiklopedii, 1984, vol. 1, 432 p.
7. Vereshchagin Ye. M., Kostomarov V. G. *Yazyk i kul'tura: Lingvostranovedeniye v prepodavanii russkogo yazyka kak inostrannogo* (Language and Culture: Linguistic and Regional Studies in Teaching Russian as a Foreign Language), Moscow, Russkiy yazyk, 1990, 246 p.
8. Gatilova A.K. *Bezekvivalentnaya leksika kak ponyatiye i yavleniye: na materiale nemetskogo i russkogo yazykov* (Non-equivalent Vocabulary as a Concept and Phenomenon: on the Material of the German and Russian Languages), PhD thesis, Moscow, 1996, 184 p.
9. Ivanova N.A. *Sopostavitel'no-tipologicheskii analiz bezekvivalentnoy leksiki (na materiale russkogo, nemetskogo i frantsuzskogo yazykov)* (Comparative Typological Analysis of Non-Equivalent Vocabulary (Based on the Material of the Russian, German and French Languages)), PhD Thesis Abstract, Moscow, 19 p.
10. Mamatismoilova H. *Namangan qipchoq shevalarining leksik qatlami (maishiy leksika misolida)* (Lexical Layer of Namangan Kipchak Dialects (on the example of Everyday Vocabulary)), Andijon, Andijon davlat universiteti kichik bosmaxonasi, 2020, pp. 143–146.
11. Mirzaev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B. *O'zbek xalq maqollari* (Uzbek Folk Proverbs), Tashkent, Sharq nashriyoti, 2005, 512 p.
12. *Narody Sredney Azii i Kazakhstana* (Peoples of Central Asia and Kazakhstan), Moscow, Nauka, 1963, 711 p.
13. Nafasov T. *Qashqadaryo o'zbek xalq so'zlari lug'ati* (Kashkadarya Dictionary of Uzbek Folk Words), Tashkent: Muharrir Publishing House, 2011, 467 p.
14. Ozhegov S.I. *Tolkovyy slovar' russkogo yazyka* (Explanatory Dictionary of the Russian Language), Moscow, Russkiy yazyk, 1990, 915 p.
15. Omonturdiyev A.O. *Professional nutq evfemikasi (chorvadorlar nutqi misolida)* (Professional Speech Euphemisms (on the Example of Cattle Breeder Speech)), DSc thesis, Tashkent, 2009, 252 p.
16. Primqul Qodirov. *Yulduzli tunlar* (Starry Nights), Tashkent, O'zbekiston Publishing House, 1990, 304 p.
17. Raimqul Suyarov. *Oy to'lgan kecha (hikoya)* (Moonlit Night), available at: <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/raimqul-suyarov/raimqul-suyarov-oy-tulgan-kecha-hikoya/>
18. Rahmatullaev Sh. *O'zbek tilining etimologik lugati (turkiy so'zlar)* (Etymological Dictionary of the Uzbek Language (Turkish words)), Tashkent: Universitet, 2000, 599 p.
19. Sapayev Q. *Stroitel'naya terminologiya uzbekskogo yazyka* (Construction terminology of the Uzbek language), PhD thesis, Tashkent, 1984, 152 p.



20. Togay Murad. *Yulduzlar mangu yonadi (Stars Burn Forever)*, Tashkent, Gofur G'lom Publishing House, 1980, 59 p.
21. Tursunov S., Pardaev T., Maxmadiyeva N. *Surxondaryo – etnografik makon* (Surkhondaryo is an ethnographic place), Termez, Yangi nashr, 2011, 450 p.
22. Umarov E. A. Uzbek language and literature, 2005, No. 1, 30–31 p.
23. Ushakov D. N. *Tolkovyy slovar' russkogo yazyka* (Explanatory Dictionary of the Russian Language), available at: <https://ushakovdictionary.ru/word.php?Wordid=85335>.
24. Khamidova T.M. *Bezekvivalentnaya leksika i frazeologiya russkogo yazyka i sposoby ikh peredachi v tadzhikskom yazyke* (Non-equivalent vocabulary and phraseology of the Russian language and methods of their transmission in the Tajik language), PhD Thesis Abstract, Dushanbe, 2013, 24 p.
25. *O'zbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language), vol. 1, Tashkent, O'zbekiston milliy entsiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2006, vol. 2, 672 p.
26. *O'zbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language), vol. 1, Tashkent, O'zbekiston milliy entsiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2008, vol. 4, 608 p.
27. *O'zbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language), vol. 1, Tashkent, O'zbekiston milliy entsiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2008, vol. 5, 592 p.
28. Karl-Dieter Bunting. *Deutsches Wörterbuch*, Chur. Schweiz, 1996, 1472 p.
29. <http://www.jurte.info/ger.htm>
30. <https://www.syl.ru/article/369451/chto-takoe-yurta---istoriya-vozniknoveniya-osobnosti-stroitelstva-i-vidyi>
31. <http://nurobod.uz/oz/node/600>
32. <https://www.tourstouzbekistan.com/ru/blog/arxitektura/osobnosti-uzbekskix-yurt.html>